



МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз азияларни, ўзини матбуот соҳасига бағишлаган заҳматқаш ва фидойи инсонларни мамлакатимиз ривожига, Ватанимиз тараққиётини таъминлаш, жамиятимиз олдида турган юксак мақсадларга эришиш, яъни, ҳар томонлама обод, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида қилаётган олижаноб меҳнатингизни муносиб баҳолаб, барчангизни бугунги касб байрамингиз билан миллионлаб мухлисларингиз, бутун халқимиз қатори чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Албатта, Ўзбекистонимизни янада раванг топтириш учун юртимиз кундан-кунга қандай катта ютуқ ва марраларни қўлга киритаётган бўлса, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам ғоят муҳим янгиликлар ва ривожланиш жараёнлари юз бераётганини, матбуотимизнинг ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб бораётганини муштарийлар, жамоатчилигимиз чуқур ҳис этмоқда ва ана шу ўзгаришларнинг амалий самарасига гувоҳ бўлмоқда.

Бунинг тасдиғи тарихида баъзи бир рақамларни олиб келиш ўринли, деб ўйлайман.

Агар бундан ўн беш йил олдин республикамизда 475 та оммавий ахборот воситаси бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 1110 тани ташкил этмоқда. Хусусан, уларнинг 600 дан зиёди вилоятларда фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, мавжуд 90 та нашриёт, 1300 дан ортиқ матбаа корхонасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, махсулот сифати юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, истиқлол йилларида мамлакатимиз бу соҳада катта тараққиёт йўлини босиб ўтганидан далолат беради.

Шуни қайд этиш керакки, бугунги кунда ахборот тарқатишнинг тезкор усули бўлмиш интернет журналистикасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг ортиботи юртимиздаги юздан ортиқ оммавий ахборот воситаси интернетда ўз веб-сайтига эга экани, олий ўқув юртларида интернет журналистикаси бўйича махсус фанлар ўқитилаётгани, шу йўналишда ижод қилаётган журналистлар сони тобора кўпайиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси кўрсатувларининг сунъий йўлдош орқали тарқатилиб, Ватанимизнинг бой тарихи, бетақор маданияти, бугунги сермазмун ҳаётини дунёга тараннум этишга хизмат қилаётгани мамлакатимизда энг замонавий электрон воситалар ва телекоммуникация тизимини жадал ривожлантириш бўйича

олиб бораётган кенг кўламли ишларимизнинг амалий натижасидир.

Шулар қаторида барча ҳудуд ва минтақаларимизда нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи ва уларнинг қамров доираси тобора кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Одамни қувонтирадиган, ҳайратда қолдирадиган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бугунги кунда матбуот соҳасида ана шундай миқдор ўзгаришлари билан бирга, жиддий сифат ўзгаришлари ҳам юз бераётгани, газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг мазмун-мундарижаси, мавзу доираси замон талаблари билан ҳамроҳанг бўлиб, журналистларнинг дунёқараши, билим ва тажрибаси, касб маҳорати юксалиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Айтиш жоизки, барчамиз кундалиқ ташвишлар билан банд бўлиб, бу соҳадаги муҳим ўсиш-ўзгаришларни баъзан сезмай ҳам қолмоқдамиз. Бугунги байрам муносабати билан оммавий ахборот воситалари эришаётган ютуқлар ҳақида сўз юритиш, ўз ишининг чинакам устаси бўлган минг-минглаб журналистларнинг фаолиятига муносиб баҳо бериш ҳар томонлама тўғри бўлади. Ҳаётимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришларни сезиш, кўриш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаш матбуот аҳлига, табиийки, ўз касбидан ғурурланиш, ўз меҳнатидан фахрланиш учун ҳақли равишда асос беради.

Мен ўз фаолиятим давомида журналистларнинг ишини яқиндан билиб, кузатиб келаётган бир инсон сифатида бу соҳанинг қандай нозик ва масъулиятли эканини, таъбир жоиз бўлса, баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғлиқ қийин бўлса, ҳақиқий журналистнинг меҳнати ҳам шундай оғир ва машаққатли эканини ўзимга яхши тасаввур қиламан. Бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келмаслигини, бунинг учун истеъдод, тинимсиз заҳмат чекиш, кунт ва изланиш зарурлигини инобатга оладиган бўлсак, ўзбек матбуоти бугунги кунда жаҳон ахборот майдонида ўз ўрнини топишга интилаётгани, журналистларимиз чет эллик ҳамкасблари билан мулоқот ва баҳсларда ҳеч кимдан кам бўлмасдан ўзининг профессионал малакасини намоён этаётгани барчамизга мамнуният етказди.

Айни вақтда оммавий ахборот воситаларидаги ижобий ўзгаришларни эътироф этган ҳолда, фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, бугун замон талаб қилаётган вазифаларни ўз олдимизга қатъий қилиб қўймасак, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш устида аввало ўзимиз, шу касб-

нинг ҳақиқий фидойилари бош қотирмасак, ўйлайманки, биз учун бу ишни бошқа ҳеч ким қилиб бермайди.

Ўзингиз айтинг, журналист меҳнатининг қадрини, бу борада қобилият ва ижодий маҳоратнинг қанчалик зарурлигини яхши биладиган, ҳар бир мақола, ҳар бир эшиттириш ёки кўрсатув учун кўз нури, юрак кўрини бағишлаб яшайдиган инсонлар соҳадаги ютуқ ва камчиликларга ҳолисона ва танқидий баҳо бермаса, бошқа ким ҳам баҳо бериши мумкин?

Шунинг учун ҳам журналистларимизнинг ўз фаолиятини юксак талаб ва мезонлар нуқтаи назаридан баҳолаб, миллий матбуотимизни дунёдаги ривожланган оммавий ахборот воситалари даражасига кўтариш масаласи энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу борада биз эскидан қолган, қўл-оёғимизни кишандек боғлайдиган баъзи бир қолиплардан, овозимизни баралла қўйишга ҳалақит бераётган номаъқул қарашлардан, мухтасар қилиб, ўзбекона қилиб айтганда, андишани нотўғри тушуниш, ўзини ўзи назорат қилиш каби ҳолатлардан воз кечишимиз зарур.

Ҳақиқатан ҳам, матбуотнинг энг муҳим вазифаси бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсатни оддий фуқаролар кўзи билан, яъни, турли-туман нуқтаи назарлардан баҳолаб ифодалаш, шу билан бирга, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган иллатларга – бу коррупция ёки амалпарастлик бўладими, маҳаллийчилик, одамларнинг дардини кўрмаслик бўладими – буларнинг барчасига қарши муросасиз курашиш, бир сўз билан айтганда, адолатни қарор топтириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш учун ўзини аямасдан, виждон амри билан яшаш журналист деган касбни танлаган инсонлар учун доимий ҳаёт мақсади бўлишини истардим.

Шу борада ҳаётимизда учраб турадиган яна бир масалага тўхталиш жоиз: бизда раҳбарга ва мансабда ўтирган кишига итоатгўйлик билан, муте бўлиб қараш ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Хизмат вазифасини ўзига умрбод мерос қилиб берилгандек тушунадиган, амал гўёки менга савлат, ақл бағишлайди, буйруқбозлик қилиш учун асос беради, деб ўйлайдиган ва шундай иш тутадиган мансабдорлар ҳам, афсуски, бугун оз эмас.

Савол туғилади: мана шун-

дай раҳбарларни фош қиладиган, кўзини очиб қўядиган, лўнда қилиб айтганда, уларни қулоғидан тортиб офтобга чиқарадиган ким бўлиши керак?

Албатта, қонун, жамоатчилигимиз, тегишли идоралар, лекин бу борада энг таъсирчан куч – бу матбуот, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мустаҳкам ирода ва ўткир қаламга эга бўлган журналистгина бундай салбий иллатларга нисбатан кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш, ноқобил раҳбарларнинг ички дунёсини, уларнинг кирдикорларини очиб беришга қодир бўлади.

Агарки менга буюрса, эл-юрт манфаати учун ўз шахсий манфаатидан, ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, ҳатто ўз ҳаётини хавф остига қўйиб яшайдиган жонқур журналистларнинг ижодий жасоратини алоҳида тақдирлаган бўлардим. Чунки матбуотда бундай кескин мавзуларни кўтариб чиқиш, уларни холис ва ҳаққоний ёритиб бериш учун инсонда аввало катта юрак, воқеликка фаол муносабат, қатъий ҳаётий принциплар бўлиши керак.

Масалага янада чуқурроқ қарайдиган бўлсак, юқорида билдирилган барча фикрларни мужассам этадиган юксак бир тушунча борки, у ҳам бўлса, журналистнинг гражданлик позициясидир. Яъни, шу юрт меники, шу заминдаги ютуқ ва ўзгаришлар ҳам меники, лекин ҳаётимиз, тезкор тараққиётимиз йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга биринчи навбатда мен дахлдор ва масъулман, деган эзгу интилиш матбуот аҳлига ярашадиган энг муносиб фазилатдир.

Шу борада қалбимда, юрагимда бўлган бир фикрни сиз азизларга айтмоқчиман – бу ҳаётда адолат учун, ҳақиқат учун курашадиган, “Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз”, деган эътиқод ва ғурур билан яшайдиган одамларни, журналистлар, қалам аҳлини мен ўзимга энг яқин инсонлар деб биламан. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, уларни ўзимнинг ҳамфикр ва маслақдошларим, деб билишимни яна бир бор изҳор этмоқчиман. Азиз дўстлар, муҳтарам матбуотимиз фидойилари ва фахрийлари!

Сизларни бугунги қутлуғ байрамингиз билан самимий табриклар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, янги ижодий ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида

Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси (1944 йил декабрь) ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) Монреаль Ассамблеясининг 2004 йилдаги қарори (резолюцияси)-га мувофиқ ушбу ташкилотга аъзо давлатлар 2010 йилдан кечиктирмай эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлаш шарт.

Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқаро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштиришга қарши ҳимоя даражасини ошириш, Давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самардорлигини ошириш мақсадида жорий этилмоқда.

Ҳозиргача дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилган.

ИКАО аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикасида авиаташишлар хавфсизлигини таъминлаш, авиация техникасининг ишончилигини ва халқаро бозордаги рақобатбардошлилигини ошириш, авиатransпорт хизматларидан фойдаланувчи йўловчилар учун максимал қулайликлар яратиш, аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш, ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш ва бошқа тадбирлар борасида тизимли ва изчил иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ва замонавий халқаро андозалар ҳамда талабларни ҳисобга олган ҳолда миллий паспорт тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг 2010 йил 1 январдан Ўзбекистонда эгаларининг биометрик маълумотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини (бундан буён биометрик паспорт деб юритилади) жорий этиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

2. Аҳолининг амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини биометрик паспортга босқичма-босқич алмаштириш тартиби тасдиқлансин:

биринчи босқич (2010 йил) – республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдаги жисмоний шахсларга, шунингдек, муайян ёшга тўлган ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган фуқароларга;

иккинчи босқич (2011-2015 йиллар) – қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

3. Биометрик паспортларни марказлашган ҳолда тайёрлаш ва уларнинг ҳисобини самарали юритиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мазкур паспортлар билан ўз вақтида таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат персоналлаштириш маркази (ДПМ) ташкил этилсин, марказ биометрик паспортлар бланкаларини тайёрловчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг "Давлат белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси (ДИБ) ҳудудида жойлаштирилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки: паспорт олиш учун мурожаат этган шахслар бўйича белгиланган маълумотлар ва биометрик параметрларни тўплаш, ушбу маълумотларни ДПМга юбориш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортларнинг ўз вақтида берилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ИИВ-

нинг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг бўлинмаларига ва Ўзбекистон Республикаси ТИВнинг хориждаги консуллик муассасаларига юкланади;

фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтиш пайтида паспортларда кўрсатилган биометрик параметрларга биноан шахсни идентификация қилиш Ўзбекистон Республикаси МХХ Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг чегара назорати бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўрнатилган тартибда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

бир ой ичида – Давлат персоналлаштириш маркази тўғрисидаги Низомни;

икки ой ичида – ушбу фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомнинг янги таҳирини.

6. Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати мамлакат фуқароларини биометрик паспортлар билан таъминлаш тизими самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида ИИВ, ТИВ, МХХнинг тегишли бўлинмаларини 1 ва 2-иловаларга мувофиқ замонавий жиҳозлар билан таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой муддатда ДПМни "Давлат белгиси" ДИБ ҳудудида жойлаштирилиши ва жиҳозлашини, ажратилган бинонинг капитал ва жорий таъмирланишини, зарур ташкилий техника, офис мебели, алоқа воситалари ва марказнинг самарали фаолияти учун зарур бўлган бошқа моддий-техник воситалар билан таъминласин.

8. Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги республиканинг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан биргаликда:

бир ой муддатда хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда ва техник-иқтисодий асосларга мувофиқ ДПМнинг ишлаб чиқариш моддий-техник базасини шакллантиришга доир дастур ишлаб чиқсин ва унинг 2009-2010 йилларда амалга оширилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини биометрик паспортлар билан таъминлаш бўйича ташкил этилаётган тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш ва унга хизмат кўрсатадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг изчиллик асосида ташкил этсин.

9. Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари бир ой муддатда Ўзбекистонда биометрик паспортларни жорий этиш бўйича лойиҳани молиялаштириш масаласини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўрнатилган тартибда хорижий давлатлар ҳукуматларини, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотини ва Халқаро стандартлаштириш ташкилотини Ўзбекистонда миллий паспорт тизimini такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида хабардор қилсин.

11. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлари ва идоралар билан ҳамкорликда икки ой муддатда ушбу фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ўрнатилган тартибда таклифлар киритсин.

12. Ушбу фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 23 июнь

ПАРЛАМЕНТДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик: миллий ва хорижий тажриба" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил қилинган мазкур семинарда депутатлар, ҳуқуқ-тартибот органлари, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ФУҚАРОЛАРНИНГ
МУРОЖААТЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Тадбирда республика ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Илҳом Турғунов маъруза билан иштирок этди. У инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва фуқароларнинг ариза ва шикоятларини, жумладан, ишонч телефонлари орқали қилаётган мурожаатларини ҳолисона кўриб чиқиш борасида ички ишлар идоралари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳусусида батафсил маълумот берди.

Дарҳақиқат, ИИВда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш масаласига вазирлик фаолиятининг устувор вазифаси сифатида қаралмоқда. Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қонунчиликнинг бузилиши, фаолиятдаги камчиликлар ва жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш масалалари раҳбарият томонидан алоҳида назоратга олинган. Фуқаролардан келиб тушаётган ариза, шикоят ва таклифлар белгиланган тартибда умумлаштириб борилмоқда. Бу борада ИИВ Котибияти томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор. ИИВда ва жойлардаги ички ишлар идораларида фуқароларнинг мурожаатларини қабул қиладиган алоҳида бино ва хоналар ишлаб турибди.

Бугунги кунда республикада ички ишлар идораларида 238 та ишонч телефони фаолият кўрсатмоқда. Ишонч телефонлари ҳақида-

ги маълумотларни аҳолининг кенг қатламига етказиш мақсадида марказий ва маҳаллий матбуот нашрларида уларнинг рўйхати эълон қилинди. Шунингдек, бу маълумотлар ИИВ веб-сайти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати порталига жойлаштирилди.

Ишонч телефонлари орқали қилинаётган фуқароларнинг мурожаатлари ИИВ Ташкилий-инспекторлик бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан ўз вақтида ҳисобга олиб борилмоқда. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида фуқаролардан 3294 маротаба хабар келиб тушди. Улар таркибига кўра ходимлар билан боғлиқ, жиноятлар ва жиноятчилар ҳақида ҳамда бошқа мазмундаги хабарлардан ташкил топди. Ушбу хабарлар асосида 411 та жиноят ва 871 та маъмурий жавобгарликка доир иш кўзгатилиб, жавобгарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг мурожаатларини ошқоралик ва назорат асосида кўриб чиқиши ходимлар орасида хизмат интизоми ва қонунчилик бузилишининг олдини олишда ҳам ижобий самара бермоқда.

Шунингдек, илмий-амалий семинарда фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, аниқ таклиф ва тавсиялар берилди.


Норали ОЧИЛОВ.

Тошкент шаҳри.

ТАДБИР

ХАВФСИЗЛИК – УЗЛУКСИЗ ЖАРАЁН

ИИВ ҳузуридаги «Кўриқлаш» республика бирлашмасида «Кўриқлаш техника воситаларининг корхоналар хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти» мавзусида семинар-йўғилиш бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги вазирлик, муассаса ва ташкилотларнинг мутахассислари иштирок этди.



ГИЁҲВАНДЛИК – АСР ВАБОСИ

НАРКОТИК МОДДАЛАР
ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Тошкент шаҳридаги заводлардан бирида жиноий ишлар бўйича ашёвий далил сифатида олинган гиёҳвандлик моддаларни йўқ қилиш тадбири бўлиб ўтди. Унда БМТ Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Идораларо комиссия аъзолари иштирокида ҳукумат топшириғига кўра, Миллий хавфсизлик хизмати томонидан 1355 килограмм наркотик воситалар ёқиб юборилди. Уларнинг таркибини қуйидагилар ташкил этади: 975 килограмм героин, 270,5 килограмм опий, 88 килограмм марихуана, 16 килограмм гашиш,

шунингдек, катта миқдордаги кўкнори, наша ўсимлиги, хапдори ва эритмалар шаклидаги психотроп препаратлар.

Наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш, бундай моддалар савдоси билан шуғулланувчи трансмиллий гуруҳларни излаб топиш, уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш, контрабанда йўлларини тўсиш, таркибда гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлар экиладиган майдонларни йўқ қилиш ва наркомания ёйилишининг олдини олиш борасида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари қатори ички ишлар ходимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда 1994 йилдан буён жами 43 тонна 750 килограмм наркотик модда йўқ қилинди.

ИИВ Матбуот маркази.

Анжуманни «Кўриқлаш» республика бирлашмаси бошлиғи, полковник А. Юсупов очиб, ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмаларини ривожлантириш истиқболлари, уларнинг фаолиятига янги кўриқлаш ва хавфсизлик тармоқларини жорий этиш масаласига тўхталди.

– Мазкур семинар-йўғилишнинг мақсади, – деди у, – кўриқлаш тармоқлари ва воситалари соҳасидаги замонавий илмий-техникавий ютуқлар билан танишиш ҳамда ишлаб чиқарувчилар билан корхона, ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборатдир.

Тадбирда сўзга чиққанлар ишлаб чиқарилаётган ва жорий этилаётган энг сўнгги намунадаги замонавий хавфсизлик ва кўриқлаш тармоқлари, техникалари, уларнинг имкониятлари, техник хусусиятлари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, семинарда мамлакатимизда ва чет элда ишлаб чиқарилган замонавий кўриқлаш ва хавфсизлик техника воситалари намойиш этилди.

Л. РОЗЕНКРАНЦ,
подполковник.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

МИННАТДОРЛИК

ХИЗМАТ
ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова имзоси билан республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов номига миннатдорлик мактуби келди.

Унда жорий йилнинг 4-6 июнь кунларида пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўرғазмаси биносига «Қўли гулдир ўзбек аёли» номли кўрғазма-савдо тадбирининг юқори савияда ўтиши учун тинчлик-осойишталик ва жамоат тартибини аъло даражада сақлаб, иштирокчилар – уй бекалари бўлган, эндигина тадбиркорликни бошлаётган хотин-қизлар ҳамда уларнинг маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаган ички ишлар идоралари ходимларига самимий ташаккур изҳор этилган.

«Ғалла – 2009»

МАРРА САРИ ДАДИЛ ОДИМ



гишли соҳалар вакиллари ёнгин, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш учун бор имкониятларни ишга солишарди. Бундан ташқари, ички ишлар ходимлари билан бирга қишлоқ фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, маҳалла посбонлари ҳам сафарбар этилган самарадорлик омили бўлмоқда. Улар асосий эътиборни ғалла ўрим-йиғимини кўнгилдагидек яқунлаш, етиштирилган доннинг бир мисқолини ҳам нест-нобуд қилмай омборларга етиб боришини таъминлаш мақсадида майда ташмачиликларнинг олдини олиш, ғалла талон-тарожлигига йўл қўймаслик учун аҳоли, ишчи-хизматчилар, ҳайдовчилар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришарди. Шу боис мавсумнинг ўтган даври мобайнида бирорта ўғирлик, майда

ташмачилик ёки кўнгилсиз ҳолатлар қайд этилмади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, айти пайтда ўрим-йиғимга жалб этилган 388 та юқори унумли комбайнлар кучидан унумли фойдаланиш, мавсумни қисқа фурсатларда яқунлаш учун иш икки босқичда ташкил этилган. Далада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг дам олиши, овқатланиши, шунингдек, техникаларга зарур сервис хизмати кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Бундан илҳомланган миришкорлар ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, белгиланган марра сари дадил одимламоқда.

З. ҲАМРАЕВ,
катта лейтенант.

Қашқадарё вилояти.

ЎРИМ ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

Бу йил Хоразм вилоятида 33 минг гектардан зиёд майдонда ғалла етиштирилди. Дехқонлар давлат хирмониغا салкам 84 минг тонна дон топириш иятида.

Мавсумда ички ишлар ходимлари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Айти пайтда ҳосилни талон-тарож қилмаслик, йўл-ҳаракати ва ёнгин хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар ходимлари фидойилик кўрсатишмоқда. Ўрим-йиғимда иштирок этаётган техникаларнинг созлиги қатъий назоратга олинган.

Профилактика, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги, қуриқлаш ва бошқа хизматлар вакиллари халқимизнинг ризқирўзи, дастурхонимиз кўрки бўлган ғаллани тез кўнларда нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

– Ички ишлар ходимлари билан доимо биргаликда иш олиб бора-

япмиз, – дейди Урганч туманидаги «Хусин Жаббор» фермер хўжалиги раҳбари Озод Қурбонбоев. – Ерга дон қадашдан то ғаллани нест-нобуд қилмай йиғиб олишгача бўлган даврда улар бизга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Давлат шартномасини аллақачон удалади. Ғаллани қолган қисмини фермер хўжалиги ишчиларига бўлиб берамиз. Олинган фойдадан бир улуши қишлоқни ободонлаштириш ва хайрия ишларига сарфланади.

Хозирда ўрим-йиғим айти қизғин паллага кирган. Ҳосилни ўз вақтида хирмонларга топиришда барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Х. ЖАББОРОВ.

Хоразм вилояти.

КЎРИК-ТАНЛОВ

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

Юртбошимизнинг 2009 йил 7 апрелдаги «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Унга мувофиқ Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам мазкур тадбирнинг дастлабки босқичи бўлиб ўтмоқда. Куйида шу ҳақдаги материаллар билан танишасиз.

«Туркистон» санъат саройида Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари ўртасида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук кўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уни халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришни ўзида муҳасам этган ушбу кўрик-танловнинг дастлабки босқичлари пойтахт ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

Она юрт сеҳри, саховати ва мурувватию, жаннатмакон диёримизни мадҳ этувчи куй-қўшиқларни тўлқинланиб, маҳорат билан куйлаётган ҳамкасбларимизнинг иқтидори чиндан-да таҳсинга лойиқ эди. Хайъат аъзолари томонидан ҳар бир иштирокчининг куйлаган кўшиғи, ижро маҳорати инobatга олинди. Кўрик-танловда «Ватан посбонлари» кўшиғи билан фахрли биринчи ўринни шаҳар ИИББ Кўриқлаш бошқармаси 4-АМБ 2-отряд командири ўринбосари, майор Шухрат Дурматов эгаллади ва кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритди.

Мақсуда СУЛТОНОВА,
майор.



Суратда: тадбирдан лавҳа.
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

НАМАНГАН. Кўрик-танловнинг 2-минтақаларо босқичи Андижон Фарғона, Наманган вилоятлари ИИБлари тергов хибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари шахсий таркиби ўртасида бўлиб ўтди.

Қизғин баҳсдан сўнг, Наманган вилояти ИИБ ЖИЭМ ходими, катта сержант Ф. Сидиқжонов кўрик-танлов голиблигини қўлга киритди. Наманган вилояти ИИБ тергов хибсхонаси ходими, сафдор Ж. Мамадалиев иккинчи ўринга, Андижон вилояти ИИБ жазони ижро этиш муассасаси ходими, катта лейтенант А. Файзиев эса учинчи ўринга муносиб, деб топилди.

Биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган ходимлар кўрик-танловнинг учинчи босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритдилар.

А. ТОШМАТОВ,
лейтенант.

УРГАНЧ. Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари йўғрилган кўшиқлар ижрочилар томонидан маҳорат билан куйланди. Ҳакамлар ҳайъати қарори билан вилоят ИИБ ЁХБ вакили Бахтиёр Раҳмонов биринчи, Урганч шаҳар ИИБ ҲООБ ВЕОҲООГ инспектори, лейтенант Тоҳир Жуманиев ва Янгиарик тумани ИИБ ҲООБ ВЕОҲООГ катта инспектори, майор Қадамбой Курёзовлар иккинчи ўринга муносиб, деб топилдилар.

Голиблар вилоят ИИБнинг қимматбаҳо совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
майор.

НАВОИЙ. Вилоят ИИБ ЖИЭБга қарашли полковник Э. Ҳамроев бошлиқ жазони ижро этиш муассасасида бўлиб ўтган кўрик-танловда дилтортар кўшиқлар янгради. Фанишер Ражапов, Равшан Балик ва Азизбек Мусахонов ижросидаги «Муқаддас диёр», «Обод Ватан», «Иқболнинг порлайверсин» каби кўшиқлар юксак маҳорат билан ижро этилди. Наволарда янграган Ватан мадҳи, юрт ишқи иштирокчилар қалбига бир олам завқ-шавқ улашди, десак асло муболага бўлмайд.

Нигора РАҲИМОВА,
майор.

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСБ Кинолог ходимлар ва қидирув-хизмат итларини тайёрлаш маркази ходимлари ҳамда тингловчилари Ўзбекистон халқ артисти, ИИБ Бирлашган таҳририяти қошидаги «Қалқон» студияси бадиий раҳбари Ёдгор Саъдиев билан учрашиди. Ўзаро суҳбат чоғида муҳлислар актёрнинг кино ва театр саҳнасидаги илк роллари, образлар устида ишлаш жараёни билан қизиқишди. Шунингдек, Ёдгор Саъдиев саҳна санъати сирлари, оиласи, устозлари, ўзи раҳбарлик қилаётган «Қалқон» студиясининг фаолияти, келгуси режалари ҳақида гапириб берди.

САНЪАТКОР
БЯЛАН
УЧРАШУВ

– Санъат аҳли одамлар қалбига эзгулик уруғини қадаши, уларнинг маданиятини, маънавиятини юксалтириши лозим. Сизлар эса одамларнинг тинчлик-осойишталигини таъминлайсизлар. Кўриб турганингиздек, сизлар ҳам, бизлар ҳам халққа хизмат қилармиз, шу маънода ҳамкасбларимиз, – деди у.

Ё. Саъдиев «Қалқон» студиясида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик асари асосида суратга олинган «Иблис девори» фильмида ички ишлар идораси ходимининг машаққатли хизмати, мураккаб оилавий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинишини айтди. Шунингдек, ҳозирда сценарийси тайёрланаётган «Қора кукун» фильмида ички ишлар идоралари ходимларининг гиёҳвандлик балосига қарши кураши акс этишини гапириб берди.

Марказ бошлиғи, майор Дилшод Ҳасанов учрашув якунида Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиевга миннатдорлик билдириди.

Учрашув сўнггида йиғилганларга «Иблис девори» фильми намойиш этилди.

Бобомурод ТОШЕВ,
«Постда» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ашула ва рақс ансамблининг «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ҳақиқий маънодаги кўшиқ байрамига айланиб кетди. Тадбир иштирокчилари Ватан ҳақида дилдан жўшиб куйлашди. Уларнинг ижро маҳорати, куйнинг кўшиққа ҳамоҳанглиги ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб берилди. Али Ниязимбетов, Умиджон Қаноатов, Марғуба Маждова ва Дилфуза Облаяровалар «Азиз Ватан» (квартет), Махаматжон Матсаев «Ўзбекистон», Зокиржон Тўйчиев «Ватан ягонасан» кўшиқлари билан голибликни қўлга киритиб, кейинги босқичга йўлланма олишди.

Абу КЕНЖАЕВ.

ИИБ Қоровул кўшинлари шахсий таркиби ўртасида бўлиб ўтган кўрик-танловда Ватанни мадҳ этувчи куй, кўшиқлар маҳорат билан ижро этилди. Унда шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар сержант Азизжон Қодирхонов «Кўшинларим», оддий аскар Хуршид Холматов «Ғуруримсан, Ватан!» кўшиғи билан голибликни қўлга киритиб, кейинги босқичга йўлланма олишди.

Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,
катта сержант.

Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ўтказилган кўрик-танлов якунига кўра, билим юрти концертмейстери, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи, кичик сержант Даврон Аҳмедов биринчи ўринга, мусиқачи, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи, сержант Зокир Тўйчиев иккинчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Ш. МАМАЗИЯЕВ,
подполковник.

НУКУС. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБда бўлиб ўтган кўрик-танловда ҳакамлар ҳайъати кўшиқлар матнининг мавзусини, куйнинг кўшиққа ҳамоҳанглиги ва иштирокчиларнинг ижро маҳорати асосида голибларни аниқладилар. Унга кўра, республика ИИБ Кўриқлаш бошқармасидан майор Кууатбай Шарипов «Муқаддас Ватан», Нукус шаҳар ИИБ Кўриқлаш бўлими ходими, сафдор Улуғбек Атажанов «Ватан» кўшиғи билан юқори ўринларни эгаллаб, кўрик-танловнинг кейинги босқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлишди.

А. ЖИЕМУРАТОВ,
капитан.


Тошкент вилояти ИИБда бўлиб ўтган тадбир санъатга меҳр қўйган ходимларнинг куй, кўшиқ ижро этиш маҳорати намойиши-

га айланди. Унда Ангрен шаҳар ИИБ 2-ҲЕҲО 21-ҲЕҲҚ ёнгин ўчирувчиси, сержант Абдурашид Абдурауфов ҳамда Янгийўл шаҳар ИИБ ЁХБ 5-ҲЕҲО 9-ҲЕҲҚ ёнгин ўчирувчиси, сафдор Сувонкул Жўраев биринчи ва иккинчи ўринларга муносиб деб топилди, кўрик-танловнинг кейинги босқичида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритдилар.

Ҳасан НОСИРОВ,
майор.

ХОВОСда Жиззах, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ИИБлари жазони ижро этиш муассасаларида ишловчи ходимлар ўртасида кўрик-танловнинг вилоят минтақавий босқичи ўтказилди. Унда Самарқанд вилоятидаги жазони ижро этиш муассасаси ходими Гулноза Авазова ижросидаги «Самарқандим» кўшиғи биринчи ўринга, Сирдарё вилоятидан тергов хибсхонаси ходими, кичик сержант Жаҳонбек Маматкуловнинг «Ўзбекистоним» кўшиғи иккинчи ўринга, Самарқанд вилоятидан тергов хибсхонаси ходими, сафдор Лазиз Содиковнинг «Мустақиллик алёри» кўшиғи ижроси эса учинчи ўринга лойиқ деб топилди, республика босқичига йўлланма берилди.

Ўткир АНОРБОВЕВ,
капитан.



БУГУН – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ

Янги юз йиллик глобализув, информатика ва ахборотлашув асри деб номланаётгани бежиз эмас. Дарҳақиқат, XXI асрнинг дастлабки йиллариданоқ инсониятнинг ахборот алмасуви кучайди, бу борада ҳаёт тарзи бутунлай ўзгарди. Информатика халқ ҳужалигининг барча соҳаларига дадил кириб келди. Ҳатто ҳисоб-китоблар автоматлаштирилди. Бу ўзгаришларни оммавий ахборот воситалари мисолида янада яққол кўриш мумкин. Оммавий ахборот воситаларининг янги бир йўналиши – интернет матбуоти ва кабел телевидениеси пайдо бўлди. У мамлакатимизда ҳам кенг тарқалди. Оммавий ахборот воситаларининг замонавий шакллари – жамоат ва хусусий телевидение, радиоэшиттириш, хусусий газета-журналлар, хусусий босмаҳоналар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда матбуот, радио ва телевидениени янада оммалаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилляпти. Президентимиз Ислоҳ Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида: «Ўзбекистонда демократик янгилашлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг гоёт муҳим шарти – бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш, аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир», дея таъкидладилар. Ана шу улугвор вазифаларни амалга ошириш биринчи навбатда, қонун ижодкорлиги ва оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш билан узвий боғлиқдир.

Аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги янги тахрирдаги Қонуни қабул қилинди. Унда асосий эътибор кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларидаги туб ўзгаришлар, айниқса, оммавий ахборот воситаларини ташкил

қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида»ги, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Амалдаги қонунда мавжуд бўлган матбуот принциплари янада аниқлаштирилди. Хусусан, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашга бевосита дахлдор бўлган оммавий ахборотнинг цензура қилинмаслиги янада батафсил очиқ берилди.

Халқимиз янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлса, уларнинг барчасида, ҳеч шубҳасиз, заҳматкаш матбуот аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини шахсан мен ҳеч қачон унутмайман.

Ислоҳ КАРИМОВ.

лаш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётимизни эркинлаштиришга муносиб ҳисса қўшаётган мингга яқин газета ва журналлар нашр этилмоқда.

«Ҳуқуқ ва бурч» журнали ва бошқа нашрларда юқоридаги масалалар изчиллик билан ёритиб борилаяпти. Республика ИИБ Бирлашган тахририятининг «Постда» газетаси ва «Қалқон» журналида ички ишлар ходимларининг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтиришга оид саҳифалар, рунклар ташкил этилган. Бу бежиз эмас, албатта. Осойишталик посбонлари касб тақозосига кўра аҳолининг турли талаблари билан мулоқотда бўлишади. Ана шу жиҳат эътиборга олинган ҳолда уларнинг касб маданияти ва дунёқарашини шакллантириш мақсадида мунтазам «Маърифат дарси», «Ижтимоий-сиёсий сабоқ» рунклари остида долзарб масалалар ёритиб борилаяпти.

Оммавий ахборот воситалари – ҳаёт кўзгуси, деб таъкидлаган эди мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида. Дарҳақиқат, матбуот ҳаётни, турмуш тарзимизни, жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни акс эттиради. Журналист ана шу жараёни рўй-рост ифода этувчи касб эгасидир. Бундай шарафли вазифани бажараётган барча касбдошларимизга омад ва ижодий ютуқлар тилайман.

Раъно ЗАРИПОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати.

ҲУҚУҚИЙ НАШРЛАР САЛОҲИЯТИ



қилиш, юритишда юзага келаётган муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришга қаратилди. Мазкур қонунга оммавий ахборот воситасини таъсис этишни либераллаштириш, муассис ва тахририятлар ҳуқуқларини кенгайтириш учун имконият яратувчи бир қатор муҳим қоидалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Журналистлик фаолиятини ҳимоя

Ушбу қонунлар фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ҳолис ва тезкор ахборотга эга бўлиши, журналистларнинг ўз бурчи ҳамда мажбуриятларини фаол адо этиши, шунингдек, мамлакатнинг ахборот суверенитетини ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва улардаги фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга хизмат қилади. Айни пайтда юртимизда жамиятни демократик янги-

Мен Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида фаолият юритаётганим, шунингдек, журналист бўлганим туфайли ҳуқуқий йўналишдаги газета-журналлар билан танишиб бораман. Бугунги кунда ҳуқуқий йўналишдаги оммавий ахборот воситаларини кўпайтириш, мавжудларини тақомиллаштириш, барча оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий мавзудаги чиқишларни кўпайтириш ҳамда таъсирчанлигини ошириш давр талаби. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган эканмиз, ушбу улугвор вазифанинг асосларидан бири қонун устуворлигига эришиш ва аҳолининг ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдир.

Ҳозир республикада ҳуқуқий йўналишда 30 дан ортиқ газета-журналлар чоп этилмоқда. «Инсон ва қонун», «Ҳуқуқ» газеталари,

ҲАМОН ИЗЛАНИШДА

Илк фаолиятини Чирокчи туманида бошлаган «Посбон» газетаси тахририяти 2000 йили Қарши шаҳрига кўчиб келди. Жамоадаги ижодкор хотин-қизларнинг кўпчилиги оилавий шароити тўғри келмаслиги, олис масофага қатнаб ишлай олмаслигини билдиришди. Шунда «Қашқадарё» газетасида мусахҳиҳ лавозимида ишлаётган Соҳибжамол Аминова тахририятга таклиф этилди.



Газетада молиявий жиҳатдан муаммо бўлмасда, иш ўринларининг тўлиқ эмаслиги нашрнинг мунтазам чоп этилишига монелик қиларди. Шу боис С. Аминовага бир йўла бир нечта вазифа юклатилди. Мухбирликдан ташқари кадрлар иши, мусахҳиҳлик ва қўлёзмаларни машинкада ёзиш ҳам Соҳибжамол опанинг чекига тушди. Лекин у барча топшириқларни бекаму кўст бажариб, осойишталик посбонлари фаолиятига оид мақолалар тайёрлашга ҳам улгурарди.

Соҳибжамол Аминова дастлабки фаолиятини «Қамаши ҳақиқати» газетасида мусахҳиҳ вазифасидан бошлади. Орадан бироз вақт ўтгач «Қашқадарё»

вилоят газетасида соҳанинг сир-асрорларини ўрганди.

– Гарчи матбуот соҳасида ўн беш йилдан ортиқ ишлаган бўлсам-да, вилоят ИИБ нашри – «Посбон» газетаси ижодимда катта бурилиш ясаганини алоҳида эътироф этишим жоиз. Бу ерда ижодкор сифатида шаклландим, элга танилдим, – дейди Соҳибжамол опа. – Ҳозирда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, жамоат ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш каби мавзуларда қалам тебратайпман.

Кўпчиликнинг хабари бор, Ўзбекистон Очиқ Жамият

Институту Сорос ҳамкорлик жамғармасининг мамлакатимизда репродуктив ёшдаги хотин-қизлар, умуман ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, фоҳишабозликнинг олдини олиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги гранти эълон қилинганди. С. Аминова 2003 йилда мазкур грант ғолиби бўлди ва бир ҳафта Украинанинг Киев шаҳрида ўтказилган анжуманда иштирок этиб, сертификат олишга эришди. Бу ютуғи билан у нафақат «Посбон» жамоаси, балки ички ишлар идоралари ходимлари ва халқнинг назарига тушди.

Ижодкор опамиз ҳамон изланишда.

Содик РАҲИМОВ,
Қашқадарё вилояти.

Худойберган Жабборов билан олти йил университетда бирга сабоқ олганмиз. Ўша кезлари кўпчилик талабалар унга ҳавас қиларди. Чунки биринчи курсдаёқ «Ғунча» журналида техник муҳаррир бўлиб иш бошлаган йигитга ҳали бизга очилмаган тахририятларнинг эшигидан кириб чиқиш бахти насиб этган эди-да. Яйра Саъдуллаевадек тажрибали қаламкаш тарбиясини олган Худойберган кам бўлмади. Тез орада энг кўп нусхада чоп этилаётган ёшлар газетаси (ҳозирги «Туркистон») муҳбири бўлиб ишга ўтди. Шундан бўлса керак, дўстимизда болалар руҳиятини англаш, уларбоп асарлар ёзиш маҳорати яхшигина шаклланган. У воқеа жойидан тезкорлик билан фотолавҳа, фоторепортаж тайёрлаб, тахририят топширигини ўз вақтида бажаришга одатланди.



СЕРҚИРРА ҚАЛАМКАШ

Шу тариқа «катта қозонда қайнаган» журналист дипломни қўлига олиши билан устозларининг ҳай-ҳайлашига қарамай Хоразмга қайтди. Раззоқ ота ва Тўхтажон оналарнинг дуосини олиб, кексайган чоғларида хизматларини қилсам деди. Етти йил давомида «Богот-Урганч» йўналиши бўйлаб қатнаб, «Богот садоси» газетасида масъул котиб бўлиб ишлади. Газета воҳадаги энг ўқимишли нашрлардан бирига айланишида унинг марказда олган тажрибаси қўл келди.

Ўн беш йилдан ошибдики, журналист Худойберган Жабборов қаламига мансуб мақолалар, суд очерклари, ҳикоялар ва хангомаларни ўқиймиз. Ҳаммаси ўзига хос

тил ва услубда ёзилган, бир-бирини такрорламайди. Агар газетанинг бирор сониди Хоразмдан мақола кўринмай қолса, раҳбарлар дарҳол Худойберганни сўрашади. У кўпроқ бир неча бор республика кўрик-танловлари ғолиби бўлган тажрибали фотожурналист Жумабой Қозоқов билан бирга ижод қилади.

Худойберган газета ва журналларга мақола тайёрлаш билан чекланиб қолмади. Унинг қаламига мансуб бир неча китоблар аллақачон ўқувчилар қўлига етиб борди. Айни пайтда у ИИБ Бирлашган тахририятининг Хоразм вилояти бўйича ўз муҳбири лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Худойберган бормаган милиция таянч пункти ёки у ёритмаган ички

ишлар идоралари хизмати қолмаган, уни танимайдиган ходимнинг ўзи йўқ. Таниқли журналист билан ҳамкорликда қилаётган ишларимиз жуда кўп.

Мухбирнинг яна бир бахти бу унинг оиласи. Худойберганнинг салмоқли ижодида бунга имкон яратиб бераётган турмуш ўртоғи, она тили ва адабиёти ўқитувчиси Зухра Хўжаниёзованинг хизмати катта. Елкамизга эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашдек масъулиятли вазифа юкланган экан, унинг тенг ярмини кўтаришаётган ижодкор дўстимизга сиҳат-саломатлик, ижодий ютуқлар тилаймиз.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
майор.

Хоразм вилояти.

АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИҚДА

Андижон вилояти ИИБда оммавий ахборот воситаларига бўлган эътибор узоқ йиллик тарихга эга. Вилоят ИИБнинг «Бурча садоқат» газетаси қарийб йигирма йилдирки, нашр этиб келинмоқда. Унинг сифат даражасини ошириш мақсадида республикамизнинг етакчи босмахоналаридан бири ҳисобланган «Шарқ» нашриётида чоп этилиши муштарийларни гоётада қувонтирди. Сифат даражасига эришиш, бетақдор дизайн яратиш борасида ходимларимиз ва ҳамкорларимиздан Зарифа Усмонова ҳамда

Назрулло Ҳамроевнинг хизмати катта бўлмоқда. Мақолаларнинг пишиқ-пухта бўлиб ишланишида эса муҳаррир Саида Аҳмадҷонова билан журналист Азизхон Бузуковлар бор куч ва маҳоратларини намойиш этишяпти. Борис Клейман, Абдулахад Ўрмонов, Иқболидин Кетмонов, Нилуфар Мўминова каби жамоатчи мухбирлар газета саҳифаларининг ранг-баранг, мазмунли ва қизиқарли тайёрланишига ҳисса қўшишаётир.

Кейинги йилларда телевидение ва радиога бўлган эътибор кўлами ҳам тобора

кенгаймоқда. Вилоятда фаолият кўрсатаётган телевидение ва радио орқали кунлик ахборотлар тингловчилар ҳукмига ҳавола этилиб, жиноятчиликнинг салбий оқибатлари атрофлича таҳлил қилинаёпти. Шунингдек, намойиш этилаётган курсатувларда ички ишлар ходимлари томонидан эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўз ифодасини топмоқда. Бу борада майор Зафарбек Дадаҷонов, катта лейтенант Собитжон Ёқубов ва Муқаддасхон Бадалованинг бой тажрибаси кўл келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, андижонлик осойишталик посбонлари ҳаётини матбуотда ёритувчи соҳа фидойилари ижодий ҳамкорликда фаолият кўрсатишмоқда.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.
Андижон вилояти.

Суратда: «Бурча садоқат» газетаси муҳаррири Саида Аҳмадҷонова (чапдан ўнганга), катта лейтенант Собитжон Ёқубов, Муқаддасхон Бадалова ҳамда Азизхон Бузуков газетанинг навбатдаги сонини режалаштиришмоқда.

Муаллиф олган сурат.



ҚАЛАМГА ОШНО ҚАЛБ

У болалиқдан қаламга дўст тутинди. Гўзал манзаралар, бетақдор табиат сеҳридан сармаст, рангин бўёқларда ҳаётни, борлиқни тасвирлашга интиларди. Кўкда парвоз қилаётган қушлару баланд тоғ орасидан ўзига йўл ахтариб, шиддат билан оқаётган шаршара, эрта тонгда заррин нурлари-ла оламни уйғотишга чоғланган бобокўёш ва ботаётган кун тасвирини қоғозга тушириб завқланарди. Қалбида ҳайрат ва ҳаяжон уйғотган нозик тўйғуллар, инжа тасаввурларини ифода этаркан, бугун ҳам у қаламга юкинади. Энди у сўз қудрати, сўз масъулиятини ҳис этиб, қалам тебратмоқда.

Айни вақтда Навоий тоғ-металлургия комбинати Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ёнгин хавфсизлиги тарғиботи, жамоатчилик билан ҳамкорлик этиш гуруҳи катта муҳандиси лавозимида фаолият кўрсатаётган майор Сўнмас Шодмонов турли мавзудаги мақола, хабарлари билан маҳаллий ҳамда республика нашрларида фаол қатнашиб келмоқда. У жамоадаги ютуқ ва ўзгаришлар, амалга оширилаётган ишлар, фидойи сафдошлари, фахрийлар ҳаёти ҳақида самимият билан ёзади. Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари нашри – «Қонун кучи», «Фемида» газеталари, Навоий тоғ-металлургия комбинатининг «Горняк», Навоий машина-созлик заводининг «Машина-строитель» газеталарида чоп этилган ранг-баранг мақолалари орқали унинг номи кўпчиликка танилган.

Ёнгин хавфсизлигини тарғиб қилиш ҳамда аҳоли ўртасида кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта, – дейди у. – Шу боис хизмат давомида матбуотнинг тасирчан



кучидан самарали фойдаланиш, турли нашрлар билан ҳамкорликни кучайтиришга ҳаракат қилаёпмиз.

С. Шодмоновнинг ички ишлар идораларида хизмат бошлаганига ўн йилдан ошди. Сўнги етти йил мобайнида бевосита ёнгин хавфсизлиги тизимларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, у соҳанинг пасту баланди, жамоадoshларининг қувонч ва ташвишларини яхши билади. Унинг ўқимишли, пишиқ-пухта мақолалари, чиройли лавҳалари қоғозга тушишига ана шу жиҳатлар пойдевор бўлмоқда. Айниқса, ИИБ

Бирлашган таҳририятининг «Постда» газетасидаги чиқишлари долзарб ва ҳозиржавоблиги билан эътиборга молиқдир.

– Сўнмас тиришқоқ, шижоатли ва иқтидорли ходимларимиздан, – дейди бошқарма бўлим бошлиғи, подполковник Р. Воҳидов. – Унинг матбуотдаги чиқишларини кузатиб борамиз. Турли тадбирлар, кўрик-танлов-

лар, жамоадoshлари ҳаётини кенг ёритишга ҳисса қўшмоқда. Эътироф этиш лозимки, бу борада унда билим ҳам, тажриба ҳам етарли. Ижодига барака тилаймиз.

Халқимизда «Ният эзгу бўлса, амал ҳам шунга яраша бўлади» деган гап бор. Улуғ мақсад, хайрли ишлар сари дадил одимлаётган С. Шодмонов асло чарчамайди. Сўзлар воситасида ҳаётни теран акс эттиришга интилаётган қаламкаш укамизга омад, ижодий баркамоллик тилаймиз.

Нигора РАҲИМОВА,
майор.

Навоий вилояти.

Қимматли қоғозлар бозори муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, банк ҳуқуқи, валюта ҳуқуқи, инвестиция ҳуқуқининг роли тобора ортмоқда. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларида жалб қилишнинг давлат томонидан таъсирчан ва узоқ муддатли рағбатлантириш ҳуқуқий механизмларни тўлиқ ишга солиш, банкларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантиришда яъни, инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва молиялаштиришни ташкил этиш бўйича тижорат банкларининг махсус хизмат кўрсатиш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади. Шу ўринда айтиш жоизки, нафақат иқтисодий воситалардан, балки ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти ва афзалликларидан самарали фойдаланган ҳолда банклар ликвидлиги яъни, тўлов қобилияти заифлиги билан боғлиқ муносабатларнинг қонунийлик асосларини ривожланган давлатлар тажрибаси ҳамда миллий қонун ҳужжатларини амалиётда татбиқ этишдан келиб чиқиб самарадорлигини ошириш зарурияти пайдо бўлмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларни давлат томонидан назорат қилишни янада содаллаштиришда ҳуқуқий воситалардан самарали фойдаланиш зарур. Ташқи иқтисодий фаолият, давлат мулкни хусусийлаштириш шу жумладан, уни ижарага бериш, биржа, суғурта, лизинг ва баҳолаш фаолиятида қатъий ҳуқуқий тартиб ўрнатиш истиқболдаги долзарб вазифадир. Айниқса, қимматли қоғозлар бозорини инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоясини таъминлаш, товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш бозорини ҳар томонлама давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмининг такомиллаштириш мақсадида инвестиция шу жумладан, қурилиш ҳуқуқи, хизмат кўрсатиш ҳуқуқи соҳаларини ривожлантириш талаб этилмоқда. Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатнинг ҳуқуқий асослари ҳам ўз навбатида, инқирозга қарши чораларни амалиётда татбиқ этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилишини таъкидлаш жоиздир.

Бинобарин, аҳолининг даромадларини кўпайтириш, фуқаролар ва тадбиркорлар мулк ҳуқуқининг кафолатлари, касаначилик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятида sanoat мулкига бўлган ҳуқуқни хусусан, ихтиро, фойдали модел sanoat намунасини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва амалиётда татбиқ этиш яъни, инновацион технологияларни жорий этиш баробарида тежамкорлик тамойилини ҳуқуқий таъминлашга эришиш лозим. Энг муҳими, уларнинг экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги фаолиятини ҳар томонлама давлат томонидан рағбатлантириш механизмлари амалиётда ўзининг самарасини бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, инқирозга қарши ҳуқуқий чоралар иқтисодиёт тараққиётининг муҳим гарови бўлиб хизмат қилади.

Ш. РЎЗИНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлар доктори, профессор.



Инқироз — молиявий тизим ва иқтисодиётга хавф, таҳдид соладиган мураккаб шу билан бирга, айти пайтда глобал ижтимоий ҳодисадир.

ТЕЗКОР ХОДИМ ФАОЛИЯТИДАН

Айримларнинг лоқайдлиги, сен менга тегма, мен сени танайман қабилда иш тутиши жиноятга мойил шахсларнинг йўлини раво қилади.

Жиззах шаҳрида яшайдиган Ю. Комил Қозоғистондан айланма йўллар орқали олиб ўтилган автомашинани бир деҳқонга арзон-гаровга сотиб юборади. Машинани расмийлаштирмақчи бўлган харидорга эса:

— Далада ишингиз кўпайган пайт, идорамайдора юришга вақтингиз кетади. Хўп десангиз ҳаммасини ўзим тўғрилай келаман, — дейди «меҳрибонлик» қилиб.

Орадан бир ҳафта ўтиб,

нинг хотини қидирган нарсасини топган кишидай кўзлари чақнаб кетди. Кейин тезда эрига қўнғироқ қилди. Кечки пайт эрхотин Матмусаникига боришди. Мезбон уларнинг «дардини» эшитиб:

— Энди ўзингиздан қолар гап йўқ, — дея ийманиб сўзлай бошлаганди Шариф муддаога ўта қолди.

— Айтганингизни бераман, сиз уртадаги одамсиз, шунинг учун дангалини айтаверинг.

Матмуса ўн минг

ҲЕЧ БИР ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАС

ҳамма ҳужжатлар тайёр бўлади. Ҳужжатларни қўлига олган деҳқон Комилни роса дуо қилади. Аммо машинани миниб, шаҳарга келганда, ЙПХ ходимлари ҳужжатларнинг қалбаки эканлигини айтишади.

Иккинчи марта яна қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб, бир кишини лақиллатмоқчи бўлганида «мижоз» ниманидир сезиб, ички ишлар ходимларига хабар беради. Сири очилганини сезган Комил ғойиб бўлади. Қочиб қайтса ҳам борарди. Ходимларимиз уни Мирзачўл туманининг чегарадош қишлоқларидан бирида қўшни республикага ўтиб кетмоқчи бўлганида ушлаб келишди.

Яна бир фирибгар маҳалладошини чув тушириб, ялло қилиб юрганида қўлга олинди. Воқеа бундай бўлган. Маҳалладошининг ёлғиз ўглини пойтахтдаги нуфузли олий ўқув юртидан бирига киритиш мақсади борлигидан хабар топган К. Матмуса хотинига маслаҳат солади.

— Тўғри уйлабсиз дала-си, уларда пул кўп. Ёлғиз ўғлидан ҳеч нарсани аямайди. Мен эртагаёқ онасининг қўйнига қўл соламан, — дея эрининг фикрини маъқуллайди у.

Эртаси куни К. Сурайё бир нимани баҳона қилиб Ш. Шарифнинг уйига боради. Гап айланиб, ўғлининг ўқишига келиб тақалганда:

— Айланай, кеча уйимизга Тошкентдан обрўли меҳмонлар келди. Эримга айтаман, ушалардан бирортаси ўғлингизга суянчиқ бўлар.

Бу гапдан Ш. Шариф-

«кўки» деганини ўзи билмай қолди.

— Хизмат ҳақингизга ҳам минг қўшдим, — деди Шариф.

— Ўғлим ўқишга кирди, деб ҳисоблайверинг, — деди Матмуса табассум билан.

Иккови кучоқ очиб, бир-бирини бағрига босиб, қиёматли ака-ука тутинишди.

Шарифнинг ўғли Матмуса айтган ўқишга ҳужжат топширди. Тест синовлари бўлиб ўтди. Натижа маълум бўладиган куни Шариф ўғлини куёвлардай кийинтириб ўқишга олиб борди. Не кўз билан кўрсинки, ўгли синовдан ўтолмаганлар рўйхатида турарди. Кетмакет икки марта юрак дорисини ичиб, Матмусани қидиришга тушди. Аммо уни тополмади.

Чув тушганини англагач, шаҳар ИИБга мурожаат этди. Ходимларимиз анча суриштирувлардан кейин уни пойтахтнинг Чилонзор даҳасидаги уйлардан бирида «тушум» ҳисобига маишат қилиб ўтирганида ушлаб келишди.

Жиноят содир қилган кишининг ўзи таслим бўлиб келмайди, аммо исзиз ҳам кетолмайди. Қидирувдагиларни топиш осон иш эмас. Улар тезда топилмаса, бошқа жиноятга ҳам қўл уриши мумкин. Шунинг учун ҳам ходимларимиз тез ва аниқ ҳаракат қилишга интиладилар. Шу ўринда тезкор ходимлар, майор Бахтиёр Саттаров, лейтенант Дилмурод Бобоевнинг хизматларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Умиджон САЙФИЕВ,
майор.

Жиззах вилояти.

УЮШГАН ГУРУҲ ФОШ ЭТИЛДИ

Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан вилоят ҳудудига уюшган жиноятчиликка қарши кураш, борасида бир қатор тезкор-профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда. Кейинги пайтда бозор ва банк муассасаларига турли юмушлар билан келган фуқароларнинг автомашиналаридан катта миқдорда пул ва қимматбаҳо буюмлар ўғирланаётганлиги боис, ушбу ҳолатларни фош этиш учун барча чоралар кўрилди. Бунинг натижасида шундай жиноятларни содир этиб келлаётган, таркибида 10 нафардан ортиқ шахс бўлган уюшган жиноий гуруҳ тўғрисида тезкор маълумот олинди. Тезкор режага асосан мазкур гуруҳ аъзолари навбатдаги жиноятни амалга ошириш мақсадида бир манзилга йиғилганда қўлга олинди.

Ўтказилган тергов-тезкор тадбирларда жиноий гуруҳ Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида 10дан ортиқ оғир жиноят содир этгани аниқланди. Хусусан, шу йил 24 январь куни гумондорлар Урганч шаҳридаги Эски Охунбобо масжиди олдида пайдо бўлишади. Кўрганлар уларни ибодат қилиш учун келган, деб уйлашди. Улардан бир нечтаси ҳамма қатори масжидга кириб намоз ўқиди. Қолганлари эса фурсатни бой бермай фуқаро Ҳамиджон Атажановнинг «Нексия» русумли автомашинаси юкхонасини бузиб, у ердан 46 миллион сўмлик «МТС» ва «Билайн» компаниялари телефон карточкаларини ўғирлашди.

Шунингдек, Урганч шаҳридаги Ўзсаноатқурилиш-банкни олдида турган, Ка-

мол Мамедовга тегишли «Нексия» русумли автомашинадан 2 миллион 300 минг сўм, «Хоразм» ўйингоҳи атрофидаги автомашинадан 1 миллион 129 минг сўм пул ва «Нokia» русумли уяли телефон, Ҳазорасп буюм бозори олдида Қаҳрамон Сеттиевга тегишли «Нексия» русумли автомашинадан эса 9 миллион 280 минг сўм, бозор ёнидаги автомашинадан эса 3 миллион 150 минг сўм пулни ўмаришди.

Ўзгалар мулкига кўз олайтириб кун кўришга ўрганган Х. Хайрулло, И. Маъруф, Ҳ. Рафиқ, С. Патийиддин, Х. Музаффар, С. Ботирали, Э. Музаффар, М. Мухиддин ва Э. Толипининг қорни тўйса ҳам кўзи тўймади. Улар Хоразмда содир этган жиноий фаолиятини Амударёнинг ўнг қирғоғида, хусусан, Ну-

кус шаҳрида ҳам давом эттиришади. Тупланган маълумотлар, далилий ашёлар бу тўданинг қилмишини тасдиқлади ва гумондорлар ўз айбибига иқдор бўлди.

Жиноятчилар нечоғли усталик билан ҳаракат қилишмасин тезкор ходимларга чап беришолмади. Уюшган жиноий гуруҳнинг қилмишлари фош этилди. Жиноятчилардан жиноий йўл билан топилган 4та енгил машина, 8050 АҚШ доллари, 4 миллион 430 минг сўм пул, 4 миллион 184 минг сўмлик телефон тўлов карточкалари ашёвий далил сифатида олинди.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
майор.

Хоразм вилояти.

СУРАТЛИ АХБОРОТ



Суратда: сержант Валишер Ходжиев хизмат пайтида.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

ХИЗМАТЛАРДА

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

Одатда ҳар бир фирма, корхона раҳбари, шунингдек, хонадон соҳиби тинч, хотиржам бўлишни истайди. Бунинг учун дўкон, ишлаб чиқариш маскани, қолаверса, хонадонини ишончли қўриқловга топшириши лозим бўлади. Кейинги пайтларда айнан қўриқловга топширилган масканларда ўғрилик, ташмачилик ҳолатларининг кескин камайгани кишиларда қўриқлов хизматига бўлган ишончининг ортиб боришини таъминламоқда. Жумладан, Сирдарё вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимига корхона, ташкилот, муассаса, фирмалардан ташқари хонадонларнинг ҳам қўриқловга топширилаётгани фикримизга далилдир. Бунга биринчи галда, қўриқлаш хизмати ходимларининг ўз

вазифасига, кишилар ишончига масъулият билан ёндашаётганидандир. Вилоятдаги бир қатор давлат аҳамиятига молик объектлар, иншоотларни кўз қорачиғида асраш, турли ходисаларнинг рўй бермаслиги, шунингдек, хизмат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг хавфсизлигини таъминлашда самарали ютуқларга эришиляпти. Йилнинг ўтган даври мобайнида қўриқловга олинган объектларда ўғрилик жинояти содир этилмади.

Қўриқлаш хизмати ходимлари жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши куралишда ҳам фаол иштирок этишляпти. Айниқса, республика, вилоят миқёсида ўтказилаётган тадбирларда

бошқа хизматлар билан бир қаторда жиноятларни фош этиш, айбдорларни топиш, қўлга олиш қабиларда фаоллик кўрсатишляпти. Масалан, Сирдарё туманида яшаб, жиноят содир этиб тергов идораларидан қочиб юрган Рустам Содиқовни қўлга олишда туман ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими маси бошлиғи, капитан Ю. Саидбеков иштирок этди. Гулистон шаҳридаги тиббиёт коллежи ўқувчиси С. Деҳқонбоев шаҳар бозорида уй бекаси Д. Абдуллаеванинг уяли телефонини тортиб олиб, қочиб кетади. Шаҳар ИИБга тушган ариза асосида қидирув олиб борган гуруҳда иштирок этган Гулистон шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими маси ходими, катта сержант П. Нурбоев коллеж талаба-

сини топиб, ички ишлар бўлимига олиб келади.

Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Энг муҳими, ходимлар ўзларига топширилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилишляпти.

— Шу кунларда ходимларимиз ризиққўзимиз бўлган ғалла ўрим-йиғимида ҳам фаол иштирок этмоқдалар, — дейди бўлим бошлиғи, подполковник Фахриддин Қўлдошев. — Хусусан, жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хирмон ва ғалла омборларида ҳар хил тартиббузарлик, қонунбузарлик ҳолатларининг келиб чиқмаслиги учун назорат ишларига ҳам ходимларимиз жалб этилган.

Ишончли қўриқлов хотиржамлик кафолати. Бунга эришиш учун доимо имконият излаб, улардан унумли фойдаланаётганлар кўзланган мақсадга эришади.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.

Сирдарё вилояти.

(Охири.

Боши ўтган сонда).

Маҳмуд муздек ҳаводан эти жунжикиб уйғонди. Аввал соатига, кейин дераза ойнасига кўз ташлади: эндигина кеч тушибди. Шомги уйқу беҳосият бўлади, бунинг устига Янги йил оқшомида гафлат босиб ётиши ҳам дуруст эмас. У эринибгина ўрнидан турди, керишди, айвонга қаради. Ҳотам ромга тирсагини тираганича ҳовли манзараларига сўник нигоҳ ташлар, қўлидаги сига-ретдан чиқаётган заиф тутун борлиққа изсиз сингиб кетарди.

Маҳмуд буюмларга уриниб-суриниб ваннага йўналди, (у ерда ниманидир туртиб ёки тушириб юбордими, ҳар ҳолда тарақлаган овоз келди) қўл-бетини ювиб, хонага қайтди. Диван устидаги курт-касидан гижим дастурмолини олди-да, юз-қўлини артиб, яна чўнтагига тикди. Шу пайт кўнгли ниманидир сезди чоғи, кўзлари олазарак бўлди. Чўнтагига қайта қўл солди, пули йўқ! Ишонмади, куртканининг авра-астарини чиқарди, эгнидаги кийимларни пайпаслади, чўнтақларини синчиклаб текширди, фойдаси бўлмади, оёғидан дармон кетиб, бўшашганича диванга ўтириб қолди. Миясида чарх ураётган узуқ-юлуқ хаёллар унга тинчлик бермас, бунинг устига, ичкилик таъсиридан боши гир айланиб, хотирини жамлашнинг иложини топмасди.

У хариддан орттириб, тирикчилигига атаб қўйган пулини куртканининг чўнтагига солганини аниқ-тиниқ эслади. Аммо қаёққа кетади? Киссавурга олдиридим деса, пиёда келди. Хўш, кимдан кўрсин? Ҳотамданми? Йўқ, Ҳотам қўлидан бундай пасткашлик келадиган одам эмас. Маҳмуд шубҳалар исканжасида қолди.

Ҳотам хонага кираётиб

ди? Бетини қотириб яна хўжайин олдига борсинми? Тайинсиз одам экансан, деб жавобини бериб юбормайдами? Кейин иш сўраб қайси эшикка бош уради? Балки, пули тушиб қолгандир? Аммо қандай қилиб? Шу пайтгача чўнтагидан писта донаси ҳам тушмаган-ку! Ҳотамнинг табиати, мақсади чинданам ўзгарган бўлсачи? Ана, кўзлари бежо, хатти-ҳаракатлари шубҳа-

ми, сесканиб кетди. У қўллари орқасига қайрилган кишига бошдан-оёқ разм солиб, унинг жиноятчи эканига ишонмади.

— Қаердан топдинг бу кишини? — сўради у ходимдан.

— Қотил — аниқ шу одам! — деди йигит қатъий оҳангда. — Мана, юз-кўзи ҳам айтиб турибди. Узоқдан кузатсам, қўрқарми? Ана, кўзлари бежо, хатти-ҳаракатлари шубҳа-

Маҳмуд бир муддат лом-мим демай турди. У гапни нимадан бошлашни билмай қийналарди.

— Қўрқмай гапирaver! Айтдим-ку, ходимлар ёрдам беради, — деди раҳбар тоқати тоқ бўлиб.

Маҳмуд қалтироқ овозда сўз бошлади:

— Ҳотамдан узр сўраш учун келаётгандим.

— Қанақа узр? Жанжал нимадан чиққан ўзи? Чайналмасдан, бирма-бир ту-

қаси «қайтма» дерди. У турли хаёллар билан уйига етиб келди. Ҳайҳотдай хонанинг хувиллаб ётганини кўриб юраги эзилди, уйига қўшилиб кўнгли ҳам бушаб қолганини англади.

Маҳмуд узоқ вақт остонада меровсираб турди. Шу алфозда бўлиб ўтган воқеаларни мулоҳаза чиғиригидан ўтказди. Уйлаб кўрса, бошига тушган кўргулик борки, барига ўзи, феъл-хўйи сабабчи экан. Фавқулодда миясига келган бошқа бир фикр эса уни тамома довдиратиб қўйди: кайф устида шу кечадаёқ ичкиликка сарфлаб юбормаслиги учун унинг бор пулини Ҳотам олиб қўйган. Маҳмуднинг ҳаловати йўқолди, пешанасини совуқ тер босди, беҳуда шубҳа-гумонларини вақтида қўвиб солмаганидан изтиробга тушди. Дўстини эшитиб кўришни ўзига эп билмаганидан виждони қийналди.

У ортга қайтди. Таниш уй олдида нотаниш кимсалар уймалашиб юрарди. Бу манзарани кўриб-кузатиб, кўнгли аллақандай нохушликни сезди, шу дилгир ҳис таъсирида қадамини тезлатди. Аммо ҳар қанча уринмасин, йўли унмади, мадорсиз оёқлари бир-бирига чалишиб кетаверди.

Уни бу ерда Ҳотам эмас, дўстининг ўлими ҳақидаги машъум хабар кутиб турарди.

Жиноятни хамирдан қил суғургандек осон очилиши ходимларни хурсанд қилиб юборди...

«ДўСТГА ЗОР БЎЛГАН КЎНИМ...»

Норали
ОЧИЛОВ

ҲИКОЯ

айвон эшигини беҳосдан қаттиқ итариб юборганди, ойналар зириллаб кетди. У гандираклаб келганича Маҳмуднинг рўпарасидаги стулга ўтирди. «Ича-амиз-з!» деди хонтахта устидаги шишага қўл чўзиб. Кўнглига қил сиғмаётган бўлса-да, Маҳмуд сир бой бермади. Ошнаси тутган пиёлани қўлига олиб, секин хонтахта четига қўйди. Ҳотам эса бунга парво ҳам қилмай ароқ тўла пиёлани охиригача сипқорди-да, иштаҳа билан газак қилди.

Маҳмуд маош олгунича қандай яшаши ҳақида тинмай бош қотирарди. Энди нима еб, нима ича-

ли. Наҳотки, ишонган оғайниси кўзига хас ташлади?! Йўғ-э, Ҳотам бировни тунайдиган даражада муттаҳам бўлиб кетмагандир? Ё туриб ёқасидан олсинми? Балки, қисдибастига олса, умарганига иқрор булар? Кейин-чи, муносабатларига дарз кетса, кейин нима бўлади? Қўлини ювиб, қўлтиғига урадимми?..

Маҳмуд гумон алангасида узоқ ёнди.

— Уртоқ бошлиқ, мана жиноятчи! — деди чайиргина жиноят қилирув ходими бироз ҳовлиқиб.

Тезкор гуруҳ раҳбари хаёл билан ўтирган экан-

бўлмаса бу ерларда юрмасди. Шундан кўнглим сезди.

Ранг-рўйи буздай оқарган, азбаройи асабийлашганидан юз-кўзи титраб турган бу киши Маҳмуд эди. У оғриқнинг зўридан қўллари бунга жавобан уларни маҳкамроқ сиқарди.

Уй ҳовлисига тумонат одам йиғилди.

— Қўлини қўйиб юбор, — деди гуруҳ раҳбари ходимга. Кейин гумондорга юзланди: — Тортинманг биродар, бор гапни айтаверинг! Йигитлар билан гаплашаман, сизга албатта ёрдам беришади.

шунтирсанг-чи! — гапни бўлди бошлиқ. — Бошига нима билан урдинг?

— Пулимни ўғирлади, деган гумонда ундан хафа бўлдим. Жаҳл устида уйдан чиқиб кетаётгандим Ҳотам тўхтатиб қолмоқчи бўлди, уни йўлимдан енгилгина итариб юбордим. Эшикдан чиқаётиб ортга ўтирилгандим Ҳотам мувозанатини йўқотиб, боши билан хонтахта қиррасига урилди-да, полга йиқилди. Мен бунга аҳамият бермай чиқиб кетдим...

Маҳмуд икки ўт орасида қолди. Бир хаёли «орқанга қайт» деса, бош-

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

Кундалик ҳаётимизни транспорт воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар ёрдамида узоғимиз яқин, оғиримиз енгиллашаётгани бор ҳақиқат. Аммо...

АЙБ АКАДАМИ?..

Наманган шаҳрининг Чортоқ йўли бўйлаб бораётган юк автомашинаси ҳайдовчиси бошқарувни йўқотиб, 32 ёшни қаршилаган фуқарони уриб юборди. Жабрланувчи шу ернинг ўзида ҳаётдан кўз юмди. Воқеа жойига етиб келган ички ишлар ходимлари автоҳалокат тафсилотларини чуқур ўрганиб, чиқарган хулосаси куйидагича бўлди.

Ҳайдовчи С. Баҳриддин «Йул ҳаракати қондалари»нинг бир қанча бандларини бузган. Чунончи, аҳоли яшайдиган жойларда транспорт воситаси тезлигини соатига 70 километрдан оширмасидан ҳаракатланиш лозимлигини унутган. Оқибатда ёшгина йигит нобуд бўлди. Келинчак бева, норасидалар эса етим қолишди. Айбдор қилмишига яраша жазо олиши аниқ. Аммо турмуш ўртоғидан айрилган аёл, жабрланувчининг онаси, отасиз қолган болажонларнинг аҳволи не кечади?

Яна юқоридаги автоҳалокат сабабларига қайтсак. Суриштирувлар натижасида юк автомобили Баҳриддиннинг акаси Баҳромга тегишли эканлиги, у укаси билан навбатма-навбат машина бошқариб, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиши маълум бўлди. Автоҳалокат юз берган куни ҳам укаси ёнида эди. Шу ерда савол туғилади: нима учун аллақачон оқу қорани таниган Баҳром эндигина балоғат ёшига етган укасига кеч соат 24.00 да машина бошқарувини ишониб топшириб қўяди? Ахир унда етарли тажриба йўқ эди-ку! Ёки буни ака билмасмиди?!

Ж. МАМАДАЛИЕВ,
Наманган шаҳар ИИБ ЙХХБ инспектори,
кичик сержант.

АКС САДО

«ФИРИБНИНГ ТОШИ ЕНГИЛ»

Юқоридаги сарлавҳа остида «Постда» газетасида чоп этилган мақолада кўнгилсиз воқеа қаламга олинган. Унда ёзилишича, Алибой исмли фирибгар Турсуной опа ва унинг келини Гулчехранинг соддалигидан фойдаланиб, аввал 150 минг, сўнгра эса 70 минг сўм пуллари олиб, ғойиб бўлади. Турсуной опа қамокдаги ўғлини кўриб келиш йўлкира харажатлари учун юз минг сўм пул етиб ортишини хаёлига ҳам келтирмаган. Агар қайнона-келин маҳалла оқсоқоли ёки профилактика инспектори ҳузурига бориб, маслаҳат олишганда бундай аянчли ҳолат рўй бермасди.

Фирибгарлар одатда ҳаёт синовларига бардош бермай, тушкунликка тушиб қолган инсонларни ўз тузоғига илинтиришга ҳаракат қилишади, назаримда. Шу ўринда қишлоғимизда яшаётган ногирон йигитнинг сўзларини эътиборингизга ҳавола этсам.

— Йигирма тўрт ёшдаман, — дейди у. — Афсуски, айрим тўрт мучаси соғ одамлар биз, ожизларни ҳам туртиб, қўлимиздаги энди емоқчи бўлиб турган нонни юлқиб олишаётганига ачиниб кетаман.

Бундан уч йил муқаддам туманимиздаги нуфузли бир идоранинг раҳбари уйимизга меҳмон билан кириб келди. У узоқ суҳбатлашгач, кўзимни Москва шаҳрида даволатишга

ёрдам беришини айтди. Унинг сўзларини эшитган оила аъзоларининг севинчи ичига сиғмай кетди. Умр бўйи зимистон қоронғулик билан ошно бўлиб яшаётган мендек бир йигитнинг хаёлидан нималар ўтгани сизларга яхши аён. Ўзини Тошмат дея таништирган бу киши икки кун ичида бир неча ҳужжатларни тайёрлаб қўйишимизни айтди. Айтилган вақтда ёлғиз ўзи уйимизга таширф буюрди.

«Тошкентдаги раҳбарларим билан гаплашдим, — деди у қўлидаги дафтарни варақлар экан. — Шу ойнанинг охирида ўглингизни даволатиш учун олиб кетамиз. Йул харажатлари ва жарроҳликка 5 минг АҚШ доллари берилади. Бу харажатнинг 75 фоизини ташкилотимиз

тўлайди. Аммо 25 фоизи сизнинг зиммангизга тушади. Бу 1 миллион 250 минг сўм бўлади. Эртадан кейин шу пулни олиб, ташкилотимиз ҳисоб рақамига ўтказишим керак». Отам бироз уйланиб: «Сигир, бузоқларни сотаман, етмаса қарз оламан», деди.

Хуллас, Тошмат ака икки кундан сўнг уша пулни олиб кетди. Биз у кишини роппа-роса уч ой кутдик. Аммо ундан дарак бўлмади. Сабри тугаган отам Тошмат акани уйимизга бошлаб келган ташкилот раҳбарининг ёнига бориб, дардини айтди. Шундан сўнггина Тошмат акани суриштира бошлашди. Тошкентдаги айтилган ташкилотда Тошмат ака деган киши ишламаслиги, ҳеч бир ходим Хоразмга хизмат сафарига юборилмаганилиги маълум бўлди. Ушбу воқеа юзасидан ИИБга мурожаат қилдик. Фирибгар уч ой деганда қўлга олинди.

Айёрлик билан фирибгарликнинг ораси бир қадам, дейишади. Агар айёрликка ёлгон қушилса, бу фирибгарликка айланади. Шундай экан, ҳар биримиз ана шундай қусурга эга бўлган кимсалардан огоҳ бўлайлик!

Зухра БОБОЖОНОВА,
ўқитувчи.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

– Алло, дадаси, ўзингизмисиз?
Телефон гўшагидан келаётган овозни таниди-ю Зафар Камоловичнинг тана сочи тикка бўлиб кетди.
– Қачон шангилламай гаплашишни урганасан? – деди жаҳл билан. – Хўш, нима дейсан?
Хотини унинг кўрслигига ўрганиб кетганлиги учун парво ҳам қилмади.
– Дадам қайтиб келдилар.
– Ие, нимага, қишлоққа бораман дегандилар-ку?
– Қайдам, оғизлари кулоқларида. «Келин, чиройли қилиб ош дамланг, кечкурун меҳмон олиб келаман», – дедилар. Шунга эртарақ келарсиз-а?
– Уйнаб ўтирганим йўқ бу ерда! Шароитга қарайман!
У шундай деди-ю гўшакни тарақлатиб жойига қўйди. «Э, сендақа хотинни...» деб сўбини олган, тугмачани босиб, котибани чақирди.
Ҳаял ўтмай остонада ҳар куни сочини турли хил турмаклайдиган, узун киприқларини бўлар-бўлмасга пирпиратиб турадиган, асл исми Майсара бўлса-да, ҳамма Мая деб атайдиган котиба қиз пайдо бўлди.
– Деразани очворинг, хона жа-а димиқиб кетди!
Мая туфлисининг кенжа бармоқдай ингичка пошнасини полга «тақ-тақ» уриб, хўжайиннинг буйругини бажо келтирди. Кейин яна нима қилай дегандек, каловланиб қаради.
– Бўлди, ишингизни қилаверинг. Ҳа, айтмоқчи, ўзим айтмагунча ҳузуримга ҳеч кимни киритманг, жуда толиқдим...
Мая «Хорошо», дея чиқиб кетгач, оромкурсини гичирлатиб ўридан турди. Қўлларини икки томонга ёзиб керишди, ҳомуза тортиди. Сўнгра дам олиш хонасига ўтиб, диванга чўзилди.
Бу худудда Зафар Камоловични танимайдиган-билмайдиган одам йўқ ҳисоби. Бир пайтлар шифокор бўлиш ниятида отасига эргашиб пойтахтга борган бўш-баёвгина йигитча вақти келиб Зафар Камоловичдек таникли мутахассисга айланишини, ҳамкасблари орасида «жарроҳлар кироли» бўлиб танилишини ким хаёлига келтирибди, дейсиз! Аммо бу ҳам ўзича бўлгани йўқ. Талабалик йилларида узоқ тунар уйқурсираган кўзларини ишқалаб китоб титкилаганларини ўйласа, ҳозир юраги орқасига тортиб кетади. Тиббиёт олийгоҳига кириш ҳам, киргандан кейин ўқиш ҳам осон эмас. Дастлабки йилларда анча қийналди. Айниқса, рус тилини яхши билмаслиги унга панд берарди. Шаҳарлик курсдошларининг айтишича, тилини «ҳакка чўқигани» роса алам қилиб кетарди. Баъзан «бор-е» деб ҳаммасига қўл силтагиси келарди. Аммо отасининг «кетмончининг боласи барибир кетмончи бўларкан-да», деб мунгайишини кўз олдига келтириб, истар-истамас шаштидан қайтарди. Бора-бора ўрганиб кетди. Учинчи босқичга ўтганда эса энг фаол, аълочи талабалар сафидан ўрин олди. Диплом қўлга теккандан кейин курсдошлари ҳар томонга қараб «учиб» кетишди. У пойтахтда қолиб, аспирантурада ўқиди. Тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиб, қишлоғига қайтган куни уйда нақ байрам бўлиб кетди ўзини! Отаси оғилдаги қора кўчқорни судраб чиқди. «Шу жониворни хурсандчилик куни сўйдириш орзусида эдим, ниятингма етдим», деди оғзининг таноби қочиб.
Катта зиёфатдан кейин қариндош-уруғлар уй-ўйларига тарқалишгач, «Келин, битта аччиқ чой дамлаб беринг бизга!», деди-ю сўридаги ёстиқлардан бирига ўзи ёнбошлаб, иккинчисини ўғли томон суриб қўйди.
– Узоқ йўлдан келгансан, сен ҳам

ёнбошлаб ол, болам, менга гўёки шаҳар олиб бергандек бўлдинг бугун!
Тун ярмидан оққан эсада, ота-боланинг суҳбати поёнига етай демасди. Ниҳоят Зафар кутганидек бўлди. Шунақа айрон ачимайдиган бемалолчилик пайтларда отаси Норкул мелиса билан боғлиқ воқеани ёдга олмасдан қўймасди.
... Зафар уч ёшлик пайтида сариқ касалига йулиқиб қолди. Ўша кезларда тиббиёт бу қадар ривожланмаганлиги боисми, у хасталиқдан анча азоб чекди. Кундан-кунга рангсизланиб, ҳолсизланиб бораверди. Отаси бечора охир-оқибат Жалил бригадирга ялиниб-ёлвориб, бир неча кунга далага чиқмасликка изн олди. Шу куни кечкуруноқ икковлон поездга чиқишди. Ховос деган жойда грек-табиб чиққанмиш, бемор бутунлай соғайиб кетармиш, деб эшитганди. Уларни сафарга ундаган мақсад ана шу табибни қидириб топиш эди.
Тун ярмидан оққанда манзилга

Тошкентдайд жойдан дўхтирларнинг олими бўлиб келган Зафар кули энгиллиги туфайли тез назарга тушди. Дастлабига уни менсимай, назарига илмай юрганлар бора-бора истеъдодига тан бериб, мум тишлаб қолишди. Мана энди кимсан – шаҳардаги энг нуфузли шифохона раҳбари! Аммо Зафар бора-бора ҳамма нарсани ўз қаричи билан ўлчашга одатланди. Отасининг панд-насихатлари замонга мос келмай қолганлигини, қуруқ маош билан ҳеч қачон бири икки бўлмаслигини англаб етди. У билан улфатчилик қиладиганлар унча-мунча одамлар эмас, уларнинг дастурхони шунақа тузаладики, ноз-неъматларни кўриб, кўз қамашади.
Саломга яраша алик дейдилар. У ҳам кези келганда ўртоқларини шунақа меҳмон қилмас, нима деган одам бўлади? Бу – биринчидан.
Иккинчидан, фарзандлари ҳам кундан-кунга буй чўзаяпти. Ҳозирдан тай-ёргарлик кўриб бормаса, ҳадемай икки оёғи бир этикка тикилиб қолади. Ўшанда бошини қай деворга уради? Яна қолаверса, Ноила...
Икки йил бўлди-ёв! Ўша офатижон билан

– Етади-етади, – деди ҳамсуҳбатидан фарқли ўлароқ ўта мулоимлик билан. – Рози бўлсангиз бўлгани.
– Албатта розиман, пулни энди кўраётганим йўқ-ку! У шундай дедию тарс-турс юрганча чиқиб кетди.
Зафар Камолович котибага ҳеч кимни киритмай туришни тайинлаб, газетани очиб, пулни санади. Беихтиёр лабларига табассум ёйилди. Бу пул беш-олтита миҳоз берадиганидан ҳам кўпроқ эди. «Кизик, деди ўзига-ўзи пичирлаб, пул берди-ю бир оғиз раҳмат айтишга ярамади, зангар. Ўзи чўл тарафининг одамлари шунақа тўпори. Ҳа, майли, осмон узилиб ерга тушмадию! Қуруқ раҳмат билан қорин тўярмиди?!»
Қутилмаганда телефон кўнғироғи сархуш хаёлларини тарқатиб юборди. Оғриниб ўрнидан турди. Котибани алмаштирмас булмайдиганга ўхшайди. Яна гўзаллик салонида чопгандир-да. Эринибгина гўшакни кулоғига яқинлаштирди.
– Зафаржон, ўзингизмисан, болам?
– Отасининг овозини таниб, хушёр тортиди.
– Ҳа, дада, тинчликми?
– Тинчлик бўлганда-чи! Ҳозир уйингдаман, қизимга айтдим Зафарнинг нўмерини териб бер, ўзим суюнчи олай деб.
Зафар Камолович сездик, отаси ниҳоятда хурсанд. Шунақа пайтларда хотинини келин деб эмас, қизим деб атайдиган одати борлигини яхши билади.
– Мени ҳам тезроқ суюнтининг, дада!
– Бугун худо ярлақанган кун экан, болам. Қишлоққа кетаман деб турганимда кимни учратдим биласанми?
– Кимни?
– Норкулни!
– Қайси Норкул?
– Ие, эсингдан чиқдим, Ховосдаги Норкул мелиса бор эди-ку, ўшани! Хуллас, тезроқ етиб кел уйга!
Зафар Камолович котибани кўчадан топдириб келди.
Бир-икки тартибга чақирган бўлди-ю астойдил хафа қилмади. «Бошқа такорланмасин!», деб оғоҳлантириш билан чекланди. Кейин биров сўраб қолса, бошқармага кетди дейишни тайинлаб, машинасига ўтирди.
Чол тушмагур уни кўчада кутиб турган экан. Кетдик дейишини ҳам кутмай машинага ўтирди.
– Ҳайда, болам, меҳмонхонага ҳайда, – деди ўғлига. – Вақт кетмасин, куз тикиб ўтиришгандир. Тайёр бўлиб турунлар, деб тайинлаганман.
Йўлда ҳам жим кетмади.
– Ҳозир бориб Норкулга «Тания-яписизми, ўшанда ўзингиз табибга қаратганингиз мана шу бола эди, сизга ўхшаган сахий йигит бўлди», дейман. Қалай, маъқулми?
Етиб боришгач, Зафар Камолович уринтириб қўймаслик учун отасини машинада қолдирмоқчи, меҳмонларни ўзи олиб тушмоқчи бўлди. Аммо отаси ушлаган жойини узиб олмагунча қўймайдиганлар хилидан.
– Йўқ, болам, қирқига чидаган қирқ бирига «чий» дейманми? Менин ҳам чиққаним маъқул.
Ниҳоят, ота-ўғил иккинча қаватга кўтарилиб, ним қоронғи йўлакнинг энг охиридаги эшикни тақиллатишди. Эшик аста очилди. Шу онда Зафар Камоловичнинг тили калимага келмай қолди. Чунки рўпарасида яқинда ўзи даволаган сирдарёлик чол ва газетага ўралган пулни тап этказиб олдига ташлаган ва бир оғиз раҳмат айтмай хонадан чиқиб кетган ўша «тўпори» йигит турарди...
Раҳмонали ҚОСИМОВ.
Фаргона вилояти.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент вилояти Янгийўл тумани ИИБ томонидан 1977 йилда туғилган **Шухрат Уракбаевич Хушманов** бедарак йўқолганлиги учун қидирилмоқда. У Янгийўл тумани Дархон маҳалласи Дўстлик кўчаси, 16-уйда яшаган. 2009 йилнинг 20 апрель куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.
Белгилари: буйи 170-175 см, қошлари тўғри, кўзлари кўк, кулоқ ва бурни ўртача катталикла.



Кийимлари: кулранг вололазка, оқ, ёқаси қизғиш спорт кийими, резинали шиппақда бўлган.
Алоҳида белгилари: юз қисмининг ўнг ва чап томонларида чандиғи бор, руҳий касал.
Ш. Хушмановнинг кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Янгийўл тумани ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ИИБ томонидан 1955 йилда туғилган **Татьяна Николаевна Максина** бедарак йўқолганлиги учун қидирилмоқда. У Учтепа тумани Чилонзор 26-мавзеси, 34-уй, 42-хонадонда яшаган. 2009 йилнинг 16 февраль куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.
Белгилари: буйи 160-165 см, кўзлари ҳаворанг, сочи сарғиш, қошлари сарғиш.
Алоҳида белгилари: даҳани тағида ва қорин қисмида чандиғи бор.
Т. Максинанинг кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Тошкент шаҳар Учтепа тумани ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.



ҚИДИРИЛМОҚДА
Самарқанд вилояти ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.
Саломидин Муйидинович Раҳмонов. 1968 йилда туғилган. Пастдарғом тумани С. Маллаев номли жамоа хўжалиги Торариқ қишлоғида яшаган.
Белгилари: буйи 165-170 см, сочи, кўзлари ва қошлари қора.



Шавкат Пархатович Инажонов. 1963 йилда туғилган. Пастдарғом тумани С. Маллаев номли жамоа хўжалиги Торариқ қишлоғида яшаган.
Белгилари: буйи 165-170 см, сочи, кўзлари ва қошлари қора.
Юқоридан номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Самарқанд вилояти ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.



НАФС ҚУРБОНИ

етиб бориб, поезддан тушишди. Ҳаво жуда совуқ эди.
– Тонг отгунча шу ерда ўтираман энди, ўғлим, – деди отаси ва уни кўтариб, шохбекатнинг ўн беш-йигирма чоғли йўловчилар мудраб ўтирган кутиш залига олиб кирди. Четроқдаги ўриндикдан жой олишди.
Шунда бирдан отаси безовталаниб қолди. Ҳали у чўнтагини пайпаслади, ҳали бунисини. Тиқилинч вагонда пулни киссавурга олдириб қўйган экан.
– Полвоним, яхши бўлмади-ку, энди нима қиламиз? – деди йиғламоқдан бери бўлиб.
У нима қиларини билмай каловланиб турганида, олдиларига милиция ходими келди. Отаси билан бир муддат гаплашгач, уларни эргаштириб, унчалик узоқ бўлмаган идорага олиб кирди. Икковларига ҳам иссиқ чой берди. Ёруғ тушиб, ташқарида одамлар гимирлаб қолган эса ўзидан ёшроқ шеригига бир нималарни тайинлаб, уларни ўша табибнинг уйига бошлаб борди.
Қизғиш тусли сочлари ўсган мўйловли табиб мулоҳажасидан кейин яна шохбекатга олиб келди. Қанчалигини билмайди-ю, лекин қайтишлари учун йўл кирага пул ҳам берганди ўшанда. Отасининг айтишича, ўша милиция ходимининг исми Норкул бўлиб, иягининг чап томонида унча катта бўлмаган қизил холи бор экан.
– Калла эмас, қовоқнинг нақ ўзи экан бу, – дерди отаси кўрсаткич бармоғини ўзининг бошига нуқиб. – Манзилгоҳини эслаб қолмаганимни қарая! Хуллас, қарз бўйинимда қолди.
Агар худо ярлақаб, Норкулни учратиб қолсам борми, ўзим билардим нима қилишимни! Шундан кейин чол ўридан туриб, чордона куриб ўтириб олди.
– Пул ҳаммага керак. Норкул ҳам жуда ошиб-тошиб кетмагандир ўшанда-а, ўғлим? Аммо савоб учун етти ёт бегонадан борини аямаганди ўшанда. Ана одам! Сен ҳам саховатли бўл. Наздингни тўқ қил. Шундагина Аллоҳнинг гувоҳлигида сен орқали Норкулнинг қарзини узган ҳисоблайман ўзимни!

шакаргуфторлик қилди-ю боғланди-қолди. Уйланганида кўзи қаёқда экан-а? Ана аёлини иффати-ю назокати! Минг асабийлашиб, бўғилиб турганида ҳам Ноиланинг икки оғиз ширин гапи, нозли эркаланишлари ҳаммасини ювиб юборади. Уни топгунча бир-икки жазман тутганида, ўзидан ўзи ижиргангандек бўлганди. Ноила эса ҳаётининг мазмунига айланганини англаб етди. Агар у бўлмаса, ҳаёт деганлари қоп-қоронғи бўшлик, Ноила эса ўша қоронғи уйни нурафшон этиб турган қироқ, йўқ-йўқ – нақ офтобнинг ўзгинаси. Фақат битта камчилиги бор. Ясан-тусанга ўчроқ. Аммо «Менинг ўзимга оро беришим – сиз учун эмасми, жоним?», дейишида ҳам жон бор.
Эх, аттанг, бошида хотинининг ўрнига шуни учратмайдими?! Энди эса кеч, жуда ҳам кеч... Бир амаллаб вадасига биноан Ноилага «Матиз» олиб берганида, ташвишлардан анча-мунча қутиларди. Пул ўлсин, шунча топганинг билан баракаси йўқ. Кейинги пайтларда «жирний» беморларнинг ичида арзийдигани ануви сирдарёлик чол бўлди. Ўғли ҳам бир оз анқовроқ кўрингани билан анчайин танти экан. Улар Шохимардонни зиёрат қилгани учун келганларида, чолнинг мазаси қочиб қолибди. Орқаворотдан Зафар Камоловичнинг дарагини эшитиб, тўппа-тўғри шу ерга келишибди.
– Духтир, отамга яхшироқ қаранг! – деди ўғли томдан тараша тушгандек.
– Қарашга қараймиз, лекин... – одатича чайналди Зафар Камолович.
У эса бир оз жаҳллангандай нигоҳ ташлади-ю:
– Қўрқманг, қуруқ қолмайсиз, – деди тунгиллаб.
Шундай қилиб, жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтди. Кеча ўғли шифокорнинг хонасига рухсат сўрамай кириб борди-ю эшикни ичкаридан беркитиб, газетага ўралган «атагани»ни тап эткизиб стол устига ташлади.
– Етадим, кам десангиз яна қўшаман!
Бундай муомалага ўрганмаганлиги учун Зафар Камоловичнинг салгина аччиқлангани рост. Аммо пулнинг чўғи мўйлигини сезиб юмшади.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ раҳбарияти шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги катта сержант **Алламберган ота ХУДАЙБЕРГАНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Самарқанд вилояти ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлими бошлиғи, подполковник Н. Мелиқуловга падари бузруквори **ЛАТИФ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Республика ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма катта инспектори, майор Т. Набиҳужаевга падари бузруквори **АБДУРАҲИМ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика ИИБ Портлаш техникаси экспертиза маркази раҳбарияти ва шахсий таркиби бошлиқ ўринбосари, полковник Шавкат Ҳамидовга ўғли **МУРОДНИНГ** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Навий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Навбахор тумани ИИБ тергов гуруҳи катта терговчиси, капитан Ж. Мирзаевга падари бузруквори **УМРЗОҚ отанинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги майор Мамарасулхожи Абдурахимовга ўғли **УЛУҒБЕКНИНГ** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ҲАМКАСБЛАР МУШОИРАСИ

СИЁҲИ ҚУРИМАГАН САТРАЛАР

ВАТАН

Боболарим хоки ётар тупроғингда,
Уммондирсан, бир майсаман қирғоғингда,
Чинордирсан, жоним титрар япроғингда,
Илдизинга туташдир қалб қоним, Ватан,
Борим — Ватан, шоним — Ватан, жоним — Ватан!

Куёшдирсан, меҳр тўла нигоҳларинг,
Яшнаб ўсар гулу майса-ғиёҳларинг,
Ҳеч сўнмагай «Шашмақом»у «Сегоҳ»ларинг,
Дилимдаги туганмас достоним — Ватан,
Борим — Ватан, шоним — Ватан, жоним — Ватан!

Парво қилмай алдоқчи туш, рўёларга,
Дунёларга чиқдик, ахир, дунёларга,
Олам муштоқ сендек меҳригёларга,
Қалдирғочлар чарх урган осмоним — Ватан,
Борим — Ватан, шоним — Ватан, жоним — Ватан!

Мардларинг бор — мадҳи сизмас китобларга,
Жур овозсан Тинчлик деган хитобларга,
Ойдек юзинг чайи гулу гулобларга,
Шуълаларга чулганган бўстоним — Ватан,
Борим — Ватан, шоним — Ватан, жоним — Ватан!

Аму—Сирдай сирлашурмиз бахтинг учун,
Бир тан бўлиб бирлашурмиз бахтинг учун,
Керак бўлса, жон берурмиз бахтинг учун,
Саждағоҳим, муқаддас иймоним — Ватан,
Борим — Ватан, шоним — Ватан, жоним — Ватан!

Зикрилла НЕЪМАТОВ,
полковник.

ЮРТИ ҲАМ

Юртим, деб ёнган юрак тафти сўнмас дейдилар,
Эзуликка эш қалбга гард ҳам қўнмас дейдилар.
Узи учун яшаган бир чизиқда чопаркан,
Юрт ишқиди ёнганлар эл меҳрини топаркан.

Тангри берган ҳар кун ҳам байрам эмас, тўй эмас,
Юрта тош отмоққа шай тураркан қанча нокас.
Бундай кезде миллатта қалқон керак, жон керак,
Урчиб ётган иллатта қарши куч, бўрон керак!

Барқарорлик, тинчликни орзу қилар ҳар миллат,
Ўзбек хотиржамлиги — Яратган берган неъмат.
Чунки халқнинг паҳлавон Сиздай ўғлонлари кўп,
Сафларида навқирон, жасур полвонлари кўп.

Тинчликка ҳисса кўшмоқ — асли эзгу ниятдир,
Устозлар босган йўли бизлар учун ибратдир.
Огоҳ бўлиб яшамоқ сингид қон-қонимизга,
Юртни омон асрасак, доғ тушмас номимизга.

Буюк хизмат ҳам асли фидойилик, меҳнатдир,
Элда азиз саналмоқ, умр гули — неъматдир.
Чунки биз қалби оташ, юраги чўғлидирмиз,
Эл тинчини ўйлаган — Она юрт ўғлидирмиз!

Хуршидбек РЎЗИЕВ,
катта сержант.

СИЗ — МАТБУОТ ХОДИМЛАРИ

Богбон чўлини бўстон қилса,
Улуғлайсиз қалам билан.
Кимдир қинғир йўлга кирса,
— Қайтинг, — дейсиз қалам билан.
Сиз — матбуот ходимлари,
Сиз — матбуот ходимлари.

Арзи борни тинглайдиган,
Дарди борни сийлайдиган,
Нокас, ноинсофлар билан
Ҳеч мураса қилмайдиган,
Сиз — матбуот ходимлари,
Сиз — матбуот ходимлари.

Ҳақиқатга, бахтга ёрсиз,
Сўз майдонида хушёрсиз,
Адолатсиз ҳакамларга
Танбех беришга тайёрсиз.
Сиз — матбуот ходимлари,
Сиз — матбуот ходимлари.

Эл ишонар сўзингизга,
Сиз ишонинг ўзингизга,
Арслондайин илдам юринг,
Асло қайтманг изингизга!
Сиз — матбуот ходимлари,
Сиз — матбуот ходимлари.

Бекмурод УСМОНОВ,
катта сержант.

**БАҲОСИ ЙЎҚ
МУЛКИМСАН...**

Бунда бегона йўқ, йўқдир нотаниш,
Ҳаммаси мен учун азиз, қадрдон.
Қизғалдоқ кулувчи лойсувоқ томлар,
Ёқут узумларга тўла ишқомлар,

Бодом гулли дўппилар, ятак,
Нуроний кексалар, ёшлар шербилак,
Юзларини ажин босган момолар
Тилларидан тушмас эзгу дуолар.

Қорли чўққилари, ҳайқироқ сойлар,
Енгил тебранувчи қамишзорлари,
Сўлиму қақраган янтоқли жойлар
Барчаси қадрдон, азиз барчаси.

На бир тошинг, на куминг заррасин,
Олмос, ақиқларга алишмасман ман.
Яхши-ёмон, бор-йўқ кунларинг билан
Баҳоси йўқ мулкимсан, Ватан.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА,
майор.

ҲУМОЮН ВА БОБУР

«Яратганим, мани жоним халқумимда айланур,
Олиб ани, боламга бер, ҳаётини айла нур...»

Нола қилар надари зот — дасти самога етган,
Ўз умрига ҳукм сўраб, шоҳи жаҳон айланур.

Беҳуш, беун ётар авлод, узлат сари юз тутиб,
Осмон узоқ, замин қаттиқ лолу ҳайрон айланур.


Шоҳ унутган ўзлигини, тожи фарзанд пойида,
Гоҳ бошидан йиғлаб ўтар, гоҳи поён — айланур.

Юрак, оҳ, сув бўлиб кетган, тўлқинлари довулдек,
Қалқибон ёш киприк аро чашми гирён — айланур.

Соҳиб замон билмайдилар, нола арида қабулдир,
Юзин силаб шаҳзоданинг тинмай ҳамон айланур.

Эркино, фарзандинга парвоилар бўлгил мудом,
Дарду ситам бегонамас, ҳар зум, ҳар он айланур...

Эркин САТТОРОВ.



**ҚИШЛОҚ
МАДҲИ**

Қишлоқ ҳаётининг гашти ўзгача,
Одамлар турмуши, шашти ўзгача,
Кундан-кун яшариб бормоқда

қишлоқ,

Қайнаётган ҳаёт шавқи ўзгача.

Муздак тоғ ҳавоси, эт уюшади,
Ўғирда майдалаб, дон туюшади,
Барқашда сув ташиб, чой қўйишади,
Тараша чойининг таъми ўзгача.

Осмонни тўлдирар юлдузлар гўжғон,
Қўлингни узатиб, териб ол жом-жом,
Тунги сайр учун ой чиқар оқшом,
Машшоқ чигиртканинг сози ўзгача.

Янги соғилган сут, косада қаймоқ,
Тандирнинг ноию қўлбола сарёғ,
Нонушта қилгани марҳамат, ўртоқ,
Писта, бодом, ёнғоқ мағзи ўзгача.

Бугун қишлоқларга катта эътибор,
Гулласин, яшнасин бамисли баҳор,
Одамлар кўнглида қолмасин гўбор,
Ҳар битта қишлоқнинг мадҳи ўзгача.

Дилшод КОМИЛОВ,
капитан.

СЎЗ ВА ҚАЛАМ

Соғинчдан сочлари чирсиллаб синиб,
Йўлимга кўз тикиб қарийди онам.
Йилда бир боролмам, гарчанд соғиниб,
Юпанчим сўз булар, имдодим — қалам.

Мунчоқдек кўзлари жовдираб боқиб,
Бир бор эркалашим зор кутар болам.
Мен-чи, исинаман вужудим ёқиб,
Оташим сўз булар, ўтиним — қалам.

Бадбин ўйларимни қувиб хаёлдан,
Боқаман. Шунчалар гўзал бу олам.
Бир суврат чизаман гўзал аёлдан,
Ранглари сўз булар, матоси — қалам.

Юртим жамолини кўрган ганимнинг,
Чиркин юрагини ўртаса алам.
Асраш учун озод жон Ватанимни,
Яроғим сўз булар, қуролим — қалам.

Темир ҚУРБОНОВ,
подполковник.